

**Бюджет ташкилотларидан қаттиқ ва суёқ маиший чиқиндилар (Қ.М.Ч) ва  
(С.М.Ч)ни олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш  
ШАРТНОМАСИ № 6-КРВ**

Навоий шаҳри

25 январ 2022 йил

Бундан буён матнда “**Бажарувчи**” деб аталувчи номидан, Устав асосида иш юритувчи Навоий шаҳар “**NAV-CLEAN CITY**” МЧЖ раҳбари А.Бердиев бир томондан ва бундан буён матнда “**Буюртмачи**” деб номланувчи Кизилтепа ХТБ номидан раҳбар У.Истамов иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидаги мақсадларда туздилар.

**1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ**

- 1.1. Мазкур шартномага биноан “**Буюртмачи**” қаттиқ маиший чиқинди (ҚМЧ)ларни бир ерга тўплайди, “**Бажарувчи**” эса тўпланган чиқиндиларни чиқинди тўплаш жойи ва (ёки) чиқинди йиғиш қутиларидан “**Буюртмачи**” томонидан берилган талабномаларга асосан олиб чиқиб кетишни ўз зиммасига олади. “**Буюртмачи**” хизмат тўловларини ўз вақтида тўлаб бориши шарт.
- 1.2. Қ.М.Ч ларнинг умумий ҳажми бир ойга 2.5 м<sup>3</sup>, 1 ойга/йилга 30 м<sup>3</sup> ташкил этади.
- 1.3. Суёқ маиший чиқиндиларнинг ҳажми бир ойга 2.5 м<sup>3</sup>, 1 ойга/йилга 30 м<sup>3</sup> ташкил этади.

**2. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

- 2.1. Ушбу шартномани имзолаш пайтида амалдаги нарх хар бир м<sup>3</sup> қаттиқ ва суёқ маиший чиқиндилар учун 65090 сўм, ҚҚС билан (олтмиш беш минг туксон ) сўм.
- 2.2. Шартнома бўйича 3 ойга/йилга кўзда тутилган тўлов суммаси 325450 (Уч юз йигирма беш минг турт юз эллик сўмни ташкил этади).
- 2.4. “**Буюртмачи**” мазкур шартнома бўйича ҳисоб китобларни пул кучириш йули билан амалга оширади ва хар ой учун туловларни олдиндан 100% тулаш билан “**Бажарувчи**”нинг ҳисоб рақамига тўлаб беради.
- 2.5. Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг умумий ҳажми ошганда, “**Буюртмачи**” томонидан шу ошган ҳажм учун кўшимча тўловни тўлаб бериши шарт.

**3. “БУЮРТМАЧИ”НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

- 3.1. ҚМЧ ташланадиган қутиларни қурилиш ёки йирик ҳажмдаги чиқиндилар, шох-шаббалар билан тўлдирмаслик, аксинча, уларни махсус жойга йиғиш ҳамда бу чиқиндиларни ташиб кетиш учун алоҳида бир маротабалик шартнома тузиш.
- 3.2. Чиқинди сақлаш қутилари жойлашган майдончалар ва чиқинди тўплаш қурилмаларига махсус автомашиналарнинг эркин яқинлашишини ва чиқинди қутиларини доимо соз холда сақланишини таъминлаш.
- 3.3. ҚМЧни ўз вақтида ташиб чиқиб кетилишини доимий назорат қилиш, тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган ҳолларда (98)278-78-83 телефонига телефонограмма йўллаш орқали “**Бажарувчи**”га маълумот бериш.
- 3.4. Бажарилган ишнинг ҳажмини “**Бажарувчи**”нинг ҳужжатларида “**Буюртмачи**” вакилининг имзоси ва корхона муҳри билан тасдиқлаб бориш.
- 3.5. Ҳар ойнинг бошида ўтган ҳисобот ойда бажарилган иш ҳажмини кўрсатувчи ҳисоб далолатномаси расмийлаштириш.

**4. “БАЖАРУВЧИ”НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

- 4.1. Алоҳида шартнома ва тўловлар асосида “**Бажарувчи**” “**Буюртмачи**”га чиқинди йиғиш қутиларини керак бўлган миқдорда сотиш.
- 4.2. “**Буюртмачи**” ҳудудидан ҚМЧ тўплаш жойи ва (ёки) чиқинди йиғиш қутиларидан махсус автомашиналарда жадвал ёки буюртма асосида чиқиндиларни олиб чиқиб кетилишини таъминлаш.
- 4.3. “**Буюртмачи**”нинг буюртмасига асосан кўшимча тўлов ҳисобига қурилиш ва йирик ҳажмдаги чиқиндиларни, шох-шаббаларни олиб чиқиб кетиш учун транспорт ажратиш.
- 4.4. “**Буюртмачи**” томонидан ҚМЧни ўз вақтида олиб чиқиб кетилмагани тўғрисида маълумот келиб тушгандан сўнг, 3 кун муддат ичида “**Буюртмачи**” ҳудудидан чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш.
- 4.5. Бириктирилган йўналишда санитар тазалик назоратини олиб бориш.

**5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ**

- 5.1. “**Бажарувчи**” томонидан ҚМЧ келишилган вақтда олинмаган тақдирда “**Буюртмачи**” (98)278-78-83 телефони орқали “**Бажарувчи**”нинг вакилини далолатнома тузиш учун чақиртириши керак. Агар “**Бажарувчи**” ушбу хабарномадан сўнг ўз вакилини далолатнома тузиш учун юбормаса, ёки 72 соат ичида ҚМЧ олиб чиқиб кетилмаса, “**Буюртмачи**” жамоатчилик иштирокида далолатнома тузади ва ушбу



далолатнома айбдорга нисбатан шартномада кўрсатилган жазо турларини қўллаш учун асос ҳисобланади.

**5.2. “Бажарувчи”** ўз вақтида ҚМЧ олиб чиқиб кетмаганлиги учун икки томон вакиллари томонидан имзоланган далолатнома асосида ҳар бир кун учун олиб чиқиб кетилмаган ҚМЧ ҳажми қийматидан 0,5% миқдорида, лекин бажарилмаган иш суммасининг 50% дан ошмаган миқдорда **“Буюртмачи”**га пеня тулайди.

**5.3. “Буюртмачи”** шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4% миқдорида, лекин кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ошмаган миқдорда **“Бажарувчи”**га пеня тўлайди.

**5.4.** Жарима ва пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

## **6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

**6.1.** Шартномани бажариш пайтида юзага келган муаммолар, келишмовчилик ва тортишувлар музокаралар йўли билан ҳал этилади. Мазкур шартномадан келиб чиқадиган муаммо ва келишмовчиликлар, томонлар томонидан музокаралар йўли билан ҳал этилмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасида белгиланган қонунчиликга биноан суд орқали ҳал этилади.

**6.2.** Шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган ҚМЧнинг ҳажми **“Буюртмачи”**нинг айби билан тақдим этилмаса, ёки **“Буюртмачи”** **“Бажарувчи”**нинг юк ташиш ҳужжатларини расмийлаштиришдан бош тортса, **“Бажарувчи”** жамоатчилик вакили иштирокида далолатнома тузади. Ушбу далолатнома иш тўлиқ миқдорда бажарилди деб ҳисобланишига ва тўлиқ миқдорда тўлов амалга оширилишига асос бўлади.

## **7. ФОРС-МАЖОР.**

**7.1.** Шартнома тузилгандан сўнг юзага келиши мумкин бўлган сув тошқини, zilзила ва бошқа табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар каби сабаблар туфайли ушбу шарнома бўйича ҳар қандай мажбуриятлар тўлиқ ёки қисман бажарилмаган ҳолларда томонлардан бирортаси жавобгарликка тортилмайди (корхонанинг тугатилиши, раҳбар ёки жавобгар шахс ўзгариши, молиявий қийинчиликлар кабилар, форс-мажор ҳолатига кирмайди).

## **8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

**8.1. “Бажарувчи”** хом-ашё, ёқилғимойлаш маҳсулотлари ва энг кам ойлик иш хақи миқдори ўзгариши муносабати билан белгиланган тартибда бир томонлама хизмат нархларини ўзгартиришга ҳақлидир ва у **“Буюртмачи”**ни бу тўғрида ёзма равишда огоҳлантиради.

**8.2.** Томонларнинг манзили, корхона номи, ҳисоб рақами ўзгарган тақдирда ҳамда ҚМЧ ҳажми ўзгаришига таъсир этувчи омиллар пайдо бўлганда, бир томон иккинчи томонга 10 кун ичида ёзма маълумот беради.

## **9. ШАРТНОМАНИНГ МУДДАТИ**

**9.1.** Ушбу шартноманинг муддати “1” январь 2022 йилдан “31” март 2022 йилгача белгиланади. Бюджет ташкилотлари билан тузилган шартномалар Ҳазначилик бўлини масида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва амал қилиш муддати “31” март 2022 йилгача белгиланади.

**9.2.** Шартномани муддатидан олдин тўхтатмоқчи бўлган томон, иккинчи томонни бу ҳақида бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантиради, акс ҳолда шартнома шартлари ўз кучини йўқотмаган ҳисобланади.

**9.3.** Томонлар шартнома муддати тугагандан сўнг, ёзма равишда бошқа муносабат билдирмасалар шартнома бекор қилингунга қадар ўз кучини йўқотмаган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олчилар билан тузилган шартномалар бундан мустасно.

**9.4.** Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, бир нусхаси **“Буюртмачи”**да, иккинчи нусхаси **“Бажарувчи”**да сақланади.

## **10. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР**

10.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ: - ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга (“Иштирокчи Томонлар”) моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини таклиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур.



- бир тараф коррупцияга қарши амалдаги қонун ҳужжатлари, коррупция бўйича қўлланиладиган Сиёсат ва Қоидалар талаблари бузилган тақдирда, бошқа тарафни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бу Шартномани бекор қилишга ҳақли. Иккинчи тарафга тегишли билдиришнома юборган пайтдан бошлаб Шартнома бекор қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолда, биринчи тарафга етказилган барча зарарни қоплайди

#### 10. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛГОХЛАРИ:

«БАЖАРУВЧИ»

Навоий шаҳар “NAV-CLEAN CITY” МЧЖ

Юридик манзилгоҳи: Навоий шаҳар  
“Тинчлик” кўрғони

Тел: +998-98-278-78-83

Х/р: 20208000105451429001


Банк номи: ЎзСаноатқурилишбанк  
Навоий филиали

Банк коди (МФО): 00207

ИНН: 308968711

ОКЭД: 38110

Раҳбар: А.Бердиев



«БУЮРТМАЧИ»

Қизилтепа ХТБ (БАМБ)

Юридик манзилгоҳи: Ёшлик кўча

Тел: 79-555-21-21

Х/р: 100022860122167096100075007

Банк номи: Марказий банк тошкент ш

Банк коди (МФО): 00014 ИНН: 200017201

ШХР: \_\_\_\_\_

(Ғазначилик бўлинимасининг номи)

ХХТУТ: \_\_\_\_\_

Раҳбар: Ў.Истамов

(имзо) (Ф.И.Ш)

М.Ў.







**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 24.01.2022 г. № 6-КРВ

между "NAV-CLEAN CITY" МЧЖ и Қизилтепа туман ХТБ на общую сумму 325450,00

Глава \_\_\_\_\_ 075  
Казначейский лицевой счёт \_\_\_\_\_ 100022860122167096100075007

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			(в сумах)
	4225000			Всего
Январь	325,450.00			325,450.00
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>325,450.00</b>			<b>325,450.00</b>

Всего 325450,00 сум

Триста двадцать пять тысяч четыреста пятьдесят сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 325450,00 сум или 100,00%\*\*\* от общей суммы договора подлежат предоплате в \_\_\_\_\_ мес. 20\_\_ г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика

М.П.



(подпись)

Истамов Улмас Ниёзович

Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Латипов Фаррух Фахриддинович

Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения \_\_\_\_\_

(подпись)


Получил работник заказчика \_\_\_\_\_

(подпись) \_\_\_\_\_

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.





**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**  
**NAVOIY VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI**  
**QIZILTEPA TUMAN YURIDIK XIZMAT KO‘RSATISH MARKAZI**

210400, Qiziltepa tumani, O‘zbekiston ko‘chasi, 43-uy,  
tel.: (998 79) 210-09-15.

---

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING**  
**QONUN HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY**  
**XULOSA**

1. Loyihaning turi:  
**Shartnoma.**
2. Loyihaning nomi:  
**Chiqindi tashish to‘g‘risida.**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:  
**Qiziltepa tuman Xalq ta'lim bo'limi. 2022.24.01.**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i



S.Sharipov  
2022.24.01.